

ХАЛҚАРО ДЗЮДО ФЕДЕРАЦИЯСИ БИЛАН ИҚТИДОРЛИ СПОРТЧИЛАРНИ САРАЛАШ БОРАСИДА САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙТИРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 февраль куни нуфузли “Катта дубулға” халқаро турнири доирасида мамлакатимизда бўлиб турган Халқаро дзюдо федерацияси раҳбари Мариус Визерни қабул қилди.



Мазкур йирик спорт ташкилоти билан мамлакатимизда дзюдо мактабини ривожлантириш ва ушбу яққаураш турини оммалаштириш борасидаги самарали ҳамкорлиқни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон халқаро федерация фаолиятида фаол иштирок этмоқда. 2022 йилда мамлакатимизда катталар ўртасида жаҳон чемпионати, ўтган йили ҳарбий хизматчилар ўртасида жаҳон биринчилиги муваффақиятли ўтказилди. Париж шаҳрида бўлиб ўтган Ёзги Олимпия ўйинларида Диёра Келдиёрова Ўзбекистон тарихида илк бор дзюдо бўйича олтин медални қўлга киритди.

Федерация раҳбари Мариус Визер мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини оммалаштириш ва спортнинг барча турларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёшлар, айниқса, қизларни кенг жалб этиш, замонавий спорт инфратузилмасини яратиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни юқори баҳолади.

Учрашувда спортчилар, мураббийлар ва ҳакамларни тайёрлашда федерациянинг техник кўмаги ва эксперт ёрдами кенгайтириш, иқтидорларни саралашнинг самарали механизмини жорий қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бундан ташқари, мамлакатимиз ҳудудларида дзюдо бўйича халқаро мусобақаларни мунтазам ўтказиб бориш таклифи билдирилди.

Учрашув якунида Ўзбекистон Президенти миллий дзюдо мактабини ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси учун Халқаро дзюдо федерацияси раҳбари Мариус Визерга давлатимизнинг юксак мукофоти — “Дўстлик” орденини топширди.

ЎЗА

СУДЛАР ФАОЛИЯТИ ЯХШИЛАНАДИ, ОЧИҚЛИК ВА РАҚАМЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИ ЖАДАЛЛАШТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 27 февраль куни суд фаолиятини янада яхшилаш, очиқлик ва рақамлаштириш даражасини ошириш чора-тадбирлари юзасидан йиғилиш ўтказди.

Инсон манфаатлари, қонун устуворлигини таъминлайдиган бу соҳани такомиллаштириш давлатимизнинг доимий эътиборида. Сўнгги саккиз йилда судларга доир 70 га яқин қонун, фармон ва қарор қабул қилинди. Уларнинг моддий-техник базаси яхшиланди.

Булар аҳоли ва тадбиркорларнинг масалаларини ҳал этиб, адолатни қарор топтиришга хизмат қиляпти. Ўтган йили судларда 3 миллиондан ортиқ масала кўриб чиқилди. Бу — аҳолининг ҳуқуқий онги ошиб бораётганидан далолат.

Ҳозирги кунда судга ариза бериш, суд ишининг ҳолатини кузатиш, суд ҳужжатларидан электрон нусха олиш каби 14 та хизмат рақамлашган. Олий суднинг my.sud.uz порталда хизматлар ва ундан фойдаланувчилар сони кўпайиб бормоқда. Шу пайтгача 17 миллионга яқин суд иши ахборот тизимлари орқали юритилган, 15,5 миллионга иш судьяларга инсон омилисиз тақсимланган.

2024 йил 1 ноябрдан бошлаб судларнинг ички ҳужжатлар айланиши тўлиқ электрон

шаклга ўтказилди. Натижада қисқа даврда давлат бюджетидан 638 миллион сўмлик харажатлар иқтисод қилинди.

Энди буни изчил давом эттириш, судлар фаолияти самарадорлигини ошириш керак. Хусусан, суд муҳокамасининг тахминий натижаси ва кетадиган харажатларни олдиндан аниқлаб бериш, ҳуқуқий ёрдам бўйича виртуал маслаҳатчини яратиш, тайинланган жарималарни онлайн кузатиш ва электрон шаклда тўлаш каби имкониятлар одамларга катта қулайлик яратди. Бугун ривожланиётган сунъий интеллектдан фойдаланиб, бу каби қўллаб-қувватлаш жараёни яхшиланади.

Шу боис, йиғилишда суд фаолиятини рақамлаштириш даражасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Тақдиротга кўра, суд ишларини юритишда қозғош шаклидан бутунлай воз кечиш мақсадида “Рақамли суд” концепцияси амалга оширилади. Бунинг учун Олий суд ҳузурида Ахборот технологиялари маркази ташкил этилади. У судларга зарур бўлган ахборот

тизимлари ва дастурий маҳсулотлар яратиш, сунъий интеллектни жорий этиш ҳамда ахборот хавфсизлигини таъминлаш билан шуғулланади. Тадбиркорлик субъектлари билан судлар ўртасида электрон маълумот алмашиш йўлга қўйилди. Ишларни кўриб чиқиш тезкорлиги ошди.

Давлатимиз раҳбари бунинг учун судлар ва барча алоқадор ташкилотларнинг ахборот тизимлари интеграцияси муҳимлигини, қулайликларни одамлар сезиши кераклигини таъкидлади.

Бу ишларни кенгайтириш, ҳуқуқ-тартибот идоралари маълумотларини судлар билан самарали боғлаш бўйича кўрсатмалар берилди. Ҳар йили судларда 1 миллионга яқин низосиз ишлар ҳам кўриляпти. Масалан, ўтган йили фуқаролик судларида коммунал қарздорлик бўйича 200 мингга яқин шундай иш қўрилган. Аслида, буни нотариусда ҳам ҳал қилса бўлади. Шу нуқтаи назардан, низосиз ишларни кўриб чиқишни тегишли идораларга ўтказиш таклифи билдирилди.

Конституцияга кўра, Олий судга қонунчилик ташаббуси ваколати берилган. Шунга асосан, тадбиркорлик, инвестиция, инфратузилма, ер, солиқ, кредит, меҳнат муносабатлари каби энг кўп учраётган масалаларни таҳлил қилиб, ҳар ойда ҳукуматга, ҳар чоракда парламентга таклиф киритиб бориш муҳимлиги таъкидланди.

Соҳага оид қонунларни халқаро стандартларга мослаштириш, судни янада халқчил қилиш, тизимни молиялаштириш бўйича қонунлар зарурати қайд этилди.

Иқтисодий суд тизимини ислох қилиш, бу борада ягона суд амалиётини йўлга қўйиш масаласига тўхталиб ўтилди.

Суд биноларида одамлар учун зарур шароит яратиш бўйича мутасаддиларга топширилди.

Судьялар малакасини, жумладан, ахборот технологиялари бўйича билимини ошириш, ёш кадрларни шу жиҳатлардан етук этиб тайёрлаш зарурлиги таъкидланди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси

Президентининг

ҚАРОРИ

МУБОРАК РАМАЗОН ОЙИНИ МУНОСИБ ТАРЗДА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Кейинги йилларда мамлакатимизда виждон эркинлигини таъминлаш, муқаддас ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини ўзида мужассам этадиган қадрият ва анъаналарни безавол сақлаш ҳамда келгуси авлодларга етказиш, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, миллатлар ва динлараро тотувлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, кўмакка муҳтож, ногиронлиги бўлган ва эҳтиёжманд инсонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида улкан ишлар олиб боришмоқда. Бу каби эзгу амаллар муборак Рамазон ойида айниқса ёрқин намоён бўлмоқда.

Халқимиз учун азалдан меҳроқибат, шукроналик ва бағрикенглик тимсоли бўлиб келган муборак Рамазон ойини муносиб кутиб олиш ва юқори савияда ўтказиш мақсадида:

1. 2025 йилда муборак Рамазон ойининг бошланиши **1 март** кунига тўғри келиши ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари Дин ишлари бўйича қўмита, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси ва бошқа

ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ҳудудларда Рамазон ойини **миллий анъана ва қадриятларга мос тарзда** ўтказишга доир чора-тадбирларни амалга оширсин.

Ушбу фазилатли ойда “**Рамазон — саховат, бирдамлик ва бағрикенглик ойи**” ғояси асосида:

эҳтиёжмандлар ҳамда илм-маърифат йўлида изланаётган ёшларга ёрдам бериш бўйича ташаббусларни қўллаб-қувватлашга;

оилавий ришталарни мустаҳкамлаш, маҳаллаларда ўзаро тушуниш ва ишонч муҳитини кучайтириш ҳамда хурмат ва меҳроқибат қадриятларини тараннум этишга;

атроф-муҳитни асраш, муқаддас қадимжон, зиёратгоҳ ва қабристонларни ободонлаштириш, кўчатлар экишга ҳамда Рамазон ойи билан боғлиқ тадбирларда меъёрга амал қилиш ва исрофгарчиликка йўл қўймасликка алоҳида эътибор берилсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ойини ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.Қ.Давлатов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2025 йил 27 февраль

ИККИ ТОМОНЛАМА МУНОСАБАТЛАР РИВОЖИГА ЯНГИ СУРЪАТ БАҒИШЛАГАН ТАШРИФ

Халқаро эксперт доиралари вакиллари Покистон Бош вазирининг шу йил 25-26 февраль кунлари Ўзбекистонга расмий ташрифи ҳақида

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Покистон Бош вазири Шаҳбоз Шариф ўртасида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган музокараларнинг стратегик аҳамияти ва унинг

самарали натижалари халқаро ижтимоий-сиёсий, ишбилармон ва эксперт ҳамжамиятларининг диққат марказида бўлиб турибди.

► Давоми 2-бетда



Ҳаким Йўлдошев олган суратлар.


ИМКОНИАТ — ҒАЛАБА САРИ ЙЎЛ ДЕМАК

ТОШКЕНТДА ДИЁРА КЕЛДИЁРОВА ДЗЮДО КЛУБИ ОЧИЛДИ

Президентимиз, Миллий Олимпия қўмитаси раиси Шавкат Мирзиёев бошчилигида жорий йил 13 февраль куни олимпия ва паралимпия ҳаракати, ихтисослаштирилган ва оммавий спортни янги босқичга олиб чиқиш ҳамда аҳоли жисмоний фаоллигини ошириш чора-тадбирлари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Унда спорт соҳасини шунчаки ўйин ва

мусобақалар эмас, миллат генофонди, мамлакат қудрати ва обрў-эътиборини бутун дунёга тараннум этадиган энг таъсирчан восита, энг устувор вазифа деб билиш шартлиги таъкидланди. Шунингдек, ҳар бир мактабда яққаураш ва жамоавий олимпия спорт турлари бўйича камида биттадан тўғарақ бўлиши кераклиги айтилди.

► Давоми 2-бетда



Сув масаласи бугун нафақат Ўзбекистонда, балки бутун дунёда тобора долзарблашиб бораётгани ҳақиқат. Чунки иқлим ўзгариши, турли экологик ҳолатлар, табиатга боғлиқ бўлмаган вазиятлар сув қадрини ошириб, асрашни тақозо этапти. Шу боис, дунё ҳамжамияти, мамлакатлар, нуфузли халқаро ташкилотлар ҳаёт манбаини тежашга эътибор қаратиб, аниқ мақсадли чоралар ишлаб чиқяпти. Чунки келгуси натижа учун чоралар ҳозир керак.

Ўзбекистонда сув танқислиги 2030 йилга бориб, 15 миллиард куб метрни ташкил қилиши мумкин. Мамлакатимиз ҳудудида ишлатиладиган сувнинг асосий қисми қўшни давлатларда шаклланиб, оқиб келади. Йиллик ёғингарчилик микдорига қараб сувнинг 15-20 фоизи юртимиз ҳудудида ҳосил бўлади, холос. Афсуски, сўнгги йилларда минтақада ёғингарчилик кам бўлаётгани сабабли йирик дарё ҳавзаларида, кичик дарё ва сойларда сув сарфи камайиб бораётир. Буни юртимизда илгари ишлатилган йиллик 60-64 миллиард

куб метр ўрнига сув таъминоти 51-53 миллиард куб метргача камайганидан ҳам англаш қийин эмас. Бироқ давлатимиз раҳбарининг оқилона сиёсати туфайли минтақа мамлакатлари ўртасида трансчегаравий сув ресурсларини бошқариш дўстлик, яхши қўшничилик ва ўзаро манфаатларни ҳурмат қилиш руҳида амалга оширилмоқда. Бу эса қўшнилар билан сув ҳўжалиги соҳасида йиғилиб қолган кўп йиллик муаммоларни осон ҳал қилиш имконини бермоқда.

► Давоми 3-бетда

Шавкат ҲАМРОЕВ,
сув ҳўжалиги вазири

Бошланиши 1-бетда

Кўшни давлатлар билан сув ресурслари-ни интеграллашган ҳолда бошқариш, транс-чегаравий сув ресурслари ва давлатлараро объектлардан биргаликда фойдаланиш ма-салаларида фаол икки ҳамда кўп томонлама манфаатли ҳамкорлик изчил давом эттирил-япти. Хусусан, бу борада ўтган йилда бир нечта учрашув ўтказилиб, муҳим келишув-ларга эришилди.

Давлатлараро сув ҳўжалигини муво-фиқлаштириш комиссиясининг йиғилиш-ларида Амударё ва Сирдарё ҳавзаларида вегетация ва кузги-қишки мавсум учун сув олиш лимити тақсмоти, шунингдек, мин-тақада трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланиш ҳамда сув ҳўжалигидаги дол-зарб масалалар муҳокама қилинмоқда.

2024-2025 йилларда Ўзбекистон Қозо-ғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Турк-манистон билан икки томонлама кўшма ишчи гуруҳлар йиғилишларида қатор му-ҳим келишувларга эришди. 2024 йил июнда Ўзбекистон, Қозоғистон ва Тожикистон ўр-тасида Баҳри тожик сув омборини 2024 йил июнь-август ойларида ишлатиш бўйича уч томонлама баённома имзоланди ҳамда ве-гетация мавсумида Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари учун қўшимча 1 мил-лиард куб метрдан ортиқ сув олиншига эришилди.

Сурхондарё вилоятининг Тожикистон бил-лан чегарадаги Катта Ҳисор каналини тоза-лаш ва таъмирлаш ҳисобига йилига ўртача 350 миллион куб метргача сув олиб келина-диган бўлди.

Ўзбекистон — Туркманистон ҳукумат-лараро кўшма комиссияси доирасида кўриб чиқилаётган масалалар ижобий ҳал этилаёт-гани сабабли бугун Тўямўйин сув омборида 5 миллиард куб метрдан ортиқ ёки аввалги йилга нисбатан 500 миллион куб метр кўп сув захираси яратилди.

Қозоғистон билан йўлга қўйилган яқин алоқалар натижасида ўтган йилда Ай-дар-Арносай кўллар тизимидagi экологик вазиятни яхшилаш учун “Чордара” сув омборидан 700 миллион куб метрга яқин сув ташланган бўлса, 2024 йил декабрида Қозоғистон Сув ҳўжалиги ва ирригация ва-зирлиги билан келишувга асосан Чордара

сув омборидан йил бошидан бутунга қадар 1,4 миллиард куб метрдан ортиқ сув олин-ди. Бундан ташқари, кўллар тизимига кол-лекторлар орқали кунига 5,5-6 миллион куб метр, йилига ўртача 3,5 миллиард куб метр сув ташланмоқда.

Президентимизнинг 2024 йил 5 январдаги “Куйи бўғинда сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда сув ре-сурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қар-орига асосан туманларда “Сув етказиб бе-риш хизматлари” давлат муассасалари таш-кил қилинди. Шунингдек, деҳқон ва фермер ҳўжаликларининг ер майдонини сув билан таъминлаш мақсадида манбанинг сувлиги даражасидан келиб чиқиб, халқ депутатлари туман кенгашларидан сув олиш лимитини тасдиқлашти бўйича янги механизм йўлга қўйилди.



Бундан ташқари: Солиқ кодексига сувни тежайдиган сугориш технологиялари жорий қилинганди ҳамда сугориш учун олинган сув ҳажми сув ўлчаш ускуналари асосида аниқланганда сув солиғи ставкаси 0,5 камай-т-рувчи коэффициент қўлланиши;

сувни тежайдиган сугориш технология-лари жорий қилинганди ёки сугориш учун олинган сув ҳажми сув ўлчаш ускуналари асосида аниқланганда сув солиғи ставкаси-га 0,7 камайитрувчи коэффициент қўллани-ши;

сувни тежайдиган сугориш технологияля-ри жорий қилинмаганда ҳамда сугориш учун олинган сув ҳажми сув ўлчаш ускуналари

асосида аниқланмаганда сув солиғи ставка-сига 1,1 оширувчи коэффициент қўлланиши белгиланди.

Шундан келиб чиқиб, ҳудудларда сув-ни тежайдиган сугориш технологиялари-ни жорий қилиш ҳамда нуқталарни ўлчаш ускуналари билан жиҳозлаш фойдали экан-ини ҳисобга олиб, ушбу механизмнинг самараси тўғрисида фермер ва деҳқонлар орасида тушунтириш ишлари бажарил-моқда.

Ўтган йили “Сув етказиб бериш хизмат-лари” давлат муассасалари томонидан истеъмолчиларга 26,2 миллиард куб метр сув етказиб берилди. 2,3 миллиард куб метр сув шўр ювиш ишлари учун ишлатилди. Фермер ва агрокластерларга 2023 йилда 8,6 миллиард куб метр сув ресурсларининг истеъмолчи-лар кесимида ҳисоб-китоби солиқ органла-рига тақдим этилган бўлса, ўтган йилда бу



кўрсаткич 1,7 баробар ошиб, 14,3 миллиард куб метрни ташкил қилди.

Яна бир муҳим масала шуки, қишлоқ ҳў-жалиги экинларини сугоришга хизмат қила-диган 165,6 минг километр сугориш тармоқ-лари мавжуд. Шундан 28,7 минг километри магистрал, туманлараро ва ҳўжаликлараро каналлар ҳамда 136,9 минг километри ички сугориш тармоқлари ҳиссасига тўғри келади.

2023 йилдан сув ҳўжалиги ташкилотла-ри ҳисобидида 28,7 километр ирригация тармоқларида бетон қопламали каналлар улуши 10,7 километр ёки 38 фоизни таш-кил қилган. Шу боис, давлатимиз раҳба-ри томонидан 2023 йил 29 ноябрь куни



Ўтказилган видеоселектор йиғилишида су-гориш тармоқларида сув йўқотишларини кескин камайитириш мақсадида 2024 йил “Каналларни бетонлаш бўйича зарбдор йил” деб эълон қилинди.

2024 йилнинг ўзида каналларни бетон-лаштириш учун давлат бюджетидан 700 миллиард сўм ҳамда халқаро молия ташки-лотларининг қарз ва грант маблағлари ҳи-собидан 19 миллион доллар жалб этилди. Хусусан, бюджет маблағи эвазига 437,3 ки-лометр ҳамда халқаро молия институтлари ҳисобидан 48,2 километр канал бетонлаш-тирилди.

Давлатимиз раҳбари раислигида ўтган йил 7 ноябрда ўтказилган йиғилишида берил-ган топшириқлар асосида 159 та тумандаги “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муас-сасаларига тегишли сугориш тармоқларини бетонлаштириш ишлари учун 80 миллиард сўм ажратилди. Бугунга қадар 6,4 миллиард сўмлик 9,2 минг тонна цемент маҳсулоти арзон нархда харид қилинди ва 2,7 минг ки-лометр ички сугориш тармоқлари бетонлаш-тирилди.

Бундай ислохотларга сув истеъмолчилари ҳам бефарқ эмас. Фермерлар ва кластер кор-хоналари томонидан ҳам ўз ҳудудидаги суго-риш тармоқларини бетонлаштириш ишлари жадал сурьатда бажарилмоқда. Улар 2024 йилда 13,3 минг километр ички тармоқлар-ни бетонлаштирган, жорий йилда 15 минг километр ариқни бетонлаштиришни режа

қилган. Ҳозирга қадар 6,8 минг километрда бетонлаштириш ишлари якунига етказилган. Натижада ўтган йили 8 миллиард куб метр сув ресурси йўқотилишининг олди олиниб, такрорий экинларни қафолати сув билан таъминлаш имкони яратилди.

Қишлоқ ҳўжалиги сув ва энергия ресурсларини энг кўп истеъмол қилувчи соҳалардан биридир. Бу ўринда, айниқса, насос агрегат-ларининг улуши катта. Шу боис, жорий йил “Насослар самарадорлигини ошириш йили” деб эълон қилингани қишлоқ ҳўжалигига ҳам, фермеру деҳқонга ҳам катта фойда кел-тиради.

Шу ўринда сўнгги беш йилда мамлақати-мизда сув тежовчи технологияларни қўлаш бўйича қатор имтиёзлар ва перереференция-лар ажратилганини алоҳида қайд этиш жоиз. Айтайлик, 2019 йилгача сув тежовчи техно-логиялар жорий қилинган майдонларнинг умумий кўрсаткичи 28 минг гектарни ёки су-гориладиган майдонларга нисбатан 1 фоизни ташкил этган бўлса, айни пайтда 1,9 миллион гектарга ёки уларнинг умумий кўрсаткичи сугориладиган ер майдонига нисбатан 46 фоизга етди. 2017-2024 йилларда 560 минг гектарда томчилатиб, 90 минг гектарда ём-қилатиб, 59 минг гектарда дискрет ва бошқа турдаги сугориш технологиялари жорий қи-линди, 1,1 миллион гектар ер лазер ускунаси ёрдамда текисланди.

Сув масаласи устувор аҳамият касб этаёт-ган экан, уни исроф қилмасликни тарғиб

қилиш ишларини бир зум ҳам сусайитириб бўлмайди. Юртимиз бўйлаб “Сувчилар мак-таби”, олий таълим муассасалари тажриба майдонлари ва фермер ҳўжаликлари дала-майдонларида ҳамкорлик асосида “Дала ўқув” тажриба майдончалари ташкил қилин-гани бунда қўл келмоқда.

Мамлакатимизда 2030 йилга қадар бе-тон қопламали каналлар улушини 46 фоиз ёки 13,2 минг километрга, қишлоқ ҳўжали-ги экинларини сугоришда сув тежайдиган технологиялар билан қамраб олинган ер-лар умумий майдонини 2 миллион гектар-га етказиш мақсад қилиб олинган. Шундан келиб чиқиб, жорий йилда 1,35 триллион сўм ҳисобига 586,5 километр канал, 21 ки-лометр лоток тармоқлари, 45,3 километр ёпиқ сугориш қувурлари ҳамда 167,9 ки-лометр оқиқ коллектор, 109,5 километр ёпиқ-ётиқ дренаж тармоқларида қурилиш ва реконструкция ишлари бажарилади. 570,4 километр магистрал каналлар ва 15 минг километр ички ҳўжалик ирригация тармоқлари бетон қопламга ўтказилади. Сув тежайдиган технологиялар қамрови қишлоқ ҳўжалиги экин майдонларининг 55 фоизига яқин ёки 2,4 миллион гектарга етказилади. Пировардида йил якуни билан ирригация тизими ва сугориш тармоқларин-нинг фойдали иш коэффициенти 0,67 дан 0,68 гача ошади ҳамда қишлоқ ҳўжалигида 10 миллиард куб метр сув иқтисод қили-нади.

Бугуннинг гапи

МАҲАЛЛА РАИСЛАРИ БЕШ ЙИЛ МУДДАТГА САЙЛАНАДИ

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасидан маълум қилишларича, аҳолига муносиб турмуш тарзи яратиш мақсадида 25 та йўналиш ва 401 та кўрсаткич асосида маҳалла, туман, шаҳар, вилоятлар ҳамда республика баланси шакллантирилди. Аҳоли муаммоларини бартараф этиш бўйича “йўл харитаси” ва маҳалла омбор китоби ҳамда бандлик дастури ишлаб чиқилди. Уларнинг ижроси таъминланиши натижасида ўтган йил давомида “маҳалла еттилиги” ва банклар ҳамкорлигида 754 мингдан кўпроқ иттифокчи бандлиги таъминланди. Сайхунобод, Зарбдор, Ёйдувон ва Ўйчи туманлари тажрибалари ҳамда “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида кўпгина хонадонлар қўшимча даромад ола бошлади.

Камбағал оилаларнинг 11 мингта яқин аъзоси доимий ишга жойлаштирилди. Кўп-гина эҳтиёжманд оилаларнинг уй-жойи таъмирлаб берилди. Камбағал оилаларда яшовчи қариб 20,7 минг кишига субсидия, 78,5 мингдан ортиғига имтиёзли кредит ажратилди. 75 мингта оиллага 105,8 миллиард сўмлик моддий ёрдам ажратилди. Натижада 844 мингдан зиёд оила камбағалликдан чиқарилди. Камбағаллик даражаси 2,4 фоиз қис-қариб, 8,9 фоизга тушди.

Маҳалла раислари томонидан аҳоли муам-моларини ҳал этиш бўйича давлат органларига 4,5 мингта яқин мурожаат ва сўров юборилди. Табиийки, бу чора-тадбирлар ижтимоий-иқ-тисодий ислохотларни янада ривожлантириш, юрт тақдирини ва тараққиётга дахлдор масала-ларини ҳал этишда халқимизнинг фаоллигини ошириш, маҳалла ҳаётида иштирокини кен-гайтиришга замин яратмоқда.

Шу йил 11 февралда қабул қилинган “Ўз-бекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартариш ва қўшимчалар кир-итиш тўғрисида”ги қонун бу жаҳодаги исло-хотларга янгича руҳ бағишлайди. Ушбу қонун

асосида “Фуқаролар йиғини раиси сайлови тўғрисида”ги қонунга киритилган ўзгартариш ва қўшимчаларга мувофиқ, маҳалла раислари беш йил муддатга сайланиши белгиланди.

— Маҳалла раисининг ваколат муддати-ни узайтиришга қандай эҳтиёж бор, бунинг афзаллиги нимада, деган савол тўғрисида табиий, — дейди Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси бошқарма бошлиғи Ахрор Ғуло-мов. — Бунга жавобан айтиш мумкинки, сўнгги йилларда маҳалла институти фаоли-яти самарадорлигини оширишга оид ислохот-лар натижасида “маҳалла еттилиги”га нафа-қат қўшимча ваколат ва имкониятлар тақдим этиляпти, балки уларнинг масъулияти ҳам оширилмоқда.

Хусусан, аҳолининг эҳтиёжманд қатла-мига ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва субси-диялар ажратиш ваколати билан бирга ушбу ёрдамларнинг мақсади ва мазлили йўнал-тирилишига масъулият ва жавобгарлик ҳам “еттилик” зиммасига юкланди. Натижада ма-ҳалла ҳар бир оила, ҳар бир инсон муаммоси, дарду ташвишига чуқур кириб бора оладиган халқчил тузилма сифатида янада фаоллашди.



“Эндиликда бўшаб қолган ўринга янги маҳалла раиси тўлиқ беш йил муддатга сайланади. Ушбу янги норманинг киритилиши бўшаб қолган ўринга янги сайланган маҳалла раислари тўлиқ беш йил давомида фаолият юритиб, маҳалла ҳудудида амалга оширмоқчи бўлган вазифаларини тўла-тўқис бажариши учун имконият яратлади.

“Маҳалла еттилиги”нинг умумий раҳба-ри сифатида маҳалла раислари масъулияти оширилаётган бир вақтда уларнинг ваколат муддати қисқалиги ўз билим ва тажрибасини амалиётда қўллаш, белгиланган режаларни тўла ва сифатли амалга ошириши учун етар-ли эмаслиги сезилаётган эди.

Қонунчиликка киритилган ўзгартариш-га мувофиқ, маҳалла раисларининг ваколат муддати уч йилдан беш йилга узайтирилиши маҳалла фуқаролар йиғини раисларининг ўзи фаолият юритадиган ҳудуд аҳолисининг иж-тимоий-иқтисодий ҳолатидан янада кенгрок хабардор бўлиши, фуқароларга ёрдам кўрса-

тишда тўғри ва талабчан ёндашиш борасида-ги имкониятини оширади.

Маҳаллалар раислари сайлови охириги марта 2022 йил май ойида ўтказилган бўл-са, шу кунга қадар уч мингдан ортиқ маҳал-ла раисининг ваколатлари турли сабабларга кўра муддатидан аввал тугатилган. Маҳалла-лар раислари қўнимсизлиги аҳоли эътироз-ларига ҳамда ҳудудда аниқ режа асосида иш юритилмаслигига олиб келаятган эди.

Эндиликда бўшаб қолган ўринга янги маҳалла раиси тўлиқ беш йил муддатга сай-ланади. Ушбу янги норманинг киритилиши бўшаб қолган ўринга янги сайланган маҳалла раислари тўлиқ беш йил давомида фаолият юритиб, маҳалла ҳудудида амалга оширмоқ-чи бўлган вазифаларини тўла-тўқис бажари-ши учун имконият яратлади.

Яна бир янгилик, Олий Мажлис Сенати кенгашининг маҳалла раиси сайловларини ташкиллаштиришга оид ваколатлари номар-казлаштирилгани билан боғлиқ. Эндиликда маҳалла раиси сайловини ўтказиш муддат-лари, шунингдек, сайловга тайёргарлик тад-бирларини ўтказиш муддатлари ва тартиби-ни белгилаш бўйича Олий Мажлис Сенати кенгашининг ваколатлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депу-татлари вилоятлар ва Тошкент шаҳри кенгаш-ларига ўтказилди. Бундан қўлланган асосий мақсад маҳалла раиси сайловига тайёргарлик тадбирлари маҳаллий кенгашлар томонидан амалга оширилиши ва ушбу жараёнлар ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда ўтказилишини таъмин-лашдан иборат.

Шунга мувофиқ, Қорақалпоғистон Рес-публикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутат-лари вилоятлар ва Тошкент шаҳри кенгаш-лари ўз ҳудудларида маҳаллалар раислари сайловининг қачон ва сайлов билан боғлиқ тадбирларнинг қайси муддатларда ўтказили-шига доир чора-тадбирларини ўзлари тасдиқ-лайди.

Фуқаролар йиғинлари раислари сайло-вини ташкил этиш ва ўтказишга қўмакла-шувчи республика комиссиясини тузиш амалиётига барҳам берилди. Шунингдек, вилоят ҳамда туман даражасидаги фуқаро-лар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга қўмаклашувчи комис-сиялар ваколатлари алоҳида-алоҳида бел-гиланиб, вазифаларининг чегаралари аниқ-лаштирилди.

Фуқаролар йиғинлари раислари сайлови-ни ташкил этиш ва ўтказишга қўмаклашувчи

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри комиссияларига фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказиш, сайловни ташкил этиш ва ўтка-зишга қўмаклашувчи туманлар ва шаҳарлар комиссиялари фаолиятини мувофиқлашти-риш, фуқаролар йиғинлари раислари сайлови-га доир ҳужжатлар, шунингдек, бюллетенлар намуналари ва шаклларини тасдиқлаш, сай-лов якунилари тўғрисида ахборотни умумлаш-тириш, бу ахборотни кенг жамоатчиликка ет-казиш ва бошқа ваколатлар белгиланди.

Бугунги кунга қадар бўшаб қолган ўрин-ларга сайланган маҳалла раислари ўз вако-латларини 3 йиллик муддат тугагунига қадар амалга оширишни белгилаб қўйилди. Бу, ўз навбатида, бўшаб қолган ўринларга сайлан-ган маҳалла раислари тегишли ҳудуддаги ва-зифаларини тўлиқ ваколат муддати доираси-да амалга ошириш имконини беради.

— Маҳалла тизимидagi ислохотларни тўлиқ рўёбга чиқаришда маҳалла раисининг ўрни катта, — дейди Тошкент шаҳри Учте-па туманидаги “Учтепа” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мухтор Илҳомов. — Оқсоқол-ларимизнинг ҳар бири бу масъулиятни ҳис этиб фаол ишламоқда. Жумладан, маҳалла ободлигини таъминлаш, “Обод маҳалла”, “Обод кўча”, “Обод хонадон” мезонларини жорий этишда аҳолининг фаол иштироки ва масъулиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилляпти.

Қолаверса, миллий қадриятлар, урф-одат ва анъаналарни тарғиб қилиш, соғлом икти-моий-маънавий муҳитни сақлаш борасида узлуксиз чора-тадбирлар амалга оширилмоқ-да. Пировардида маҳаллаларимизни обод ва файзли қилиш, жиянотчиликдан холи ҳудудга айлантириш, ишсизлик муаммосини камайит-риш, халқимизнинг фаровон ҳаётини таъмин-лашда муайян натижаларга эришилмоқда.

Бу ютуқларнинг янада кўпайиши маҳалла тизимидagi ислохотларнинг изчил ва тизим-ли давом этишига боғлиқ. Маҳалла раисла-рининг ваколат муддати узайтирилиши эса бу борада самара бериши шубҳасиз. Зеро, обрўли, тажрибали ва ўзи фаолият юритаёт-ган ҳудуднинг паст-баландини яхши билган оқсоқол аҳолини қийнаётган муаммоларни ўз вақтида аниқлаш, бартараф этиш ва маҳалла тизимини янада ривожлантиришга ўз ҳисса-сини қўшади, албатта.

Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Ёшлар минбари



“ЁРҚИН КЕЛАЖАК”

ОИЛАВИЙ ШАРОИТИ ОҒИР, ИЛМГА ЧАНҚОҚ ЁШЛАРНИ ХОРИЖДА ЎҚИТИШ ТИЗИМИ



— Орамиздан Марямхон, Хайринисо, Саидахон отлиқ ўқиш учун мамлакатимиздаги тўсиқларга қарши Оврўлага отилгон фидокор қизларимиз ҳам бор. Уларнинг ўқишлари яхши. Бироқ хивалик Марямхон моддий томондан яхши таъмин қилинмағони учун йўлларида кўп чатоғликлар кўрадур...

Юқоридаги матн қарийб юз йил бурун Германияга ўқишга кетган талабалар ёзган хатларнинг биринчиси. Ўша даврда юртимиздаги турли тўсиқларга, хорижда моддий жиҳатдан қийинчиликларга учрашига қарамай, қатор ўғил-қизлар маърифатпарвар жадидларимиз ёрдамида муҳандис, шифокор, иқтисодчи каби турли касбларни эгаллаб, ўз ватани тараққиётига ҳисса қўиши учун хорижий ўлкаларга ўқишга борди. Афсуски, бу талабалар тақдири фожалия яқун топди. Аммо халқимиз зиёлилари бўлган ота-боболаримиз англаган ҳақиқат — давлат ва жамият тараққиёти учун фидойи, ватанпарвар, ўз соҳасида хориж тажрибасига эга ёшларни тарбиялаш зарурати ўзгармай қолди.

Шу сабаб давлатимиз раҳбари яқинда ёшлар билан ўтказган мулоқотида ушбу йўналишдаги ташаббуслар ва ислохотларга алоҳида тўхталиб ўтди. Улардан бири билимга чанқоқ, лекин оилавий шароити оғир ёшларни хорижда ўқитиш бўйича янги тизим — “Ёрқин келажак” лойиҳаси жорий этилишини қайд этди.

Хўш, бу лойиҳага қандай эҳтиёж бор эди? Бойси, Президентимиз ташаббуси билан 2018 йилда ташкил этилган “Эл-юрт умиди” жамғармаси шу пайтгача чет элда ўқиш истаги бўлган ёшларни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келади.

Маълумотларга кўра, жамғарма ўтган даврда 2500 га яқин ўғил-қизнинг хорижда таҳсил олишига қўмақлашган. Ўзга юртларда ҳам ўзбек ёшларининг мамлакатимиздаги каби бемалол таҳсил олиши учун керакли шарт-шароит ва имкониятларни ҳозирлаётди.

Жамғарма хорижий олий таълим муассасасида ўқиш ҳуқуқини қўлга киритган илгор ўғил-қизларга танлов асосида юз фоизли грантлар ажратади. Грантни олиш учун хорижий университетлардан бирининг талабаси бўлиш талаб этилади. Бу эса хорижда ўқиш ҳуқуқини қандай қўлга киритиш мумкин эканини билмайдиган, бунинг учун алоҳида тайёргарлик кўришга моддий имконияти бўлмаган айрим иқтисдорли ёшларнинг орзуларига ўз вақтида тўлақонли эришиши учун нуқуллайлик туғдирарди.

Янги лойиҳага кўра, ҳар бир маҳалладан ижтимоий ҳимояга муҳтож, оилавий шароити оғир ёшларнинг билимга чанқоқ, иқтисдорли ўғил-қизлари саралаб олинади. Салоҳиятига мос хорижий ўқув юрти танлаиб, тайёргарлик курсларида ўқитилади.

Бу қандай оила фарзанди бўлишидан, хориждаги таълим муассасалари ҳақида тушунчаси бор-йўқлигидан қатъи назар, иқтисдорли, чет элда таҳсил олиш орзусидаги ёшлар ниятига эришиши йўлида ҳаракат қилишига ёрдам беради.

Мутафаккир боболаримиз — Имом Бухорий, Хоразмий, Беруний каби қомусий олимлар кўпгина шаҳарларда бўлиб, у ерда ўз билим-салоҳиятини орттиргани ҳақида маълумотлар бор. Халқ вакиллари орасида бундай илм машъаллари кўпайиши эса ўша миллат дунёқарашини ўсиши, турмуш шароити, ҳаёти янада фаровонлаштиришга хизмат қилади. Тарихда бу бир неча бор ўз исботини топган. Жумладан, Уйғониш даври бўлган IX—XII асрларда Марказий Осиё нафақат дунё илм-фан марказига айланган, балки ҳар жабҳада бошқа ўлкалардан бир қадам илгариларган. Бугунги инсон капитали ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб турган бир даврда ёшларнинг таълим-тарбияси масаласи янада долзарблашиб бормоқда.

Шу боис, давлатимиз раҳбари ёшлар билан мулоқотда “Эл-юрт умиди” жамғармаси квоталарини кўпайтириш, яъни пайтда таҳсил олаётган ёшларни ёлғизлатиб қўймаслик, хорижда билим-салоҳиятини юксалтирган мутахассисларни янада рағбатлантириш борасидagi ишларни жадаллаштириш бўйича янги ташаббусларни илгари сурди.

Мулоқотда ёшлар ҳеч бир ўзбек фарзанди четда қолиб кетмайдиган ислохотлар ҳақида эшитиб, қаерда бўлмасин, “Давлатимиз раҳбари мен ҳақимда гапиряпти”, дея юраги ҳаприқиб, ўқиш ва изланишларини янада кучайтирган бўлса ажаб эмас.

Улар юксак орзу-умидлари рўёбга чиқишига ишончи ортиб, янада баландроқ марраани забт этишга бел боғладди. Зеро, ўзбек ёшлари муваффақияти ўзбек халқининг келажати фаровонлаштиши қафолати, янги Ўзбекистоннинг янада тараққий этиши асоси, Учинчи Ренессансининг тамал тошидир.

— Болалигимда осмондаги ёрқин юлдузларни томоша қилишни хуш кўрардим. Эсимда, ёз чилласи тунлари кўк юзи тиниқ бўларди. Чақноқ юлдузларга соатлаб термилиб ўтирардим. Кўёш, ой, юлдузлар, булут, ёмғир каби табиат ҳодисалари қандай юз беришига бўлган қизиқишим физика ва астрономия фани сир-синаотларини ўрганишимга замин яратди.

Учинчи уринишда ОРЗУМГА ЭРИШДИМ



Моҳинур МУРОДОВА, Колорадо давлат университети талабаси:

Бунинг натижасида мактабда ўқиб юрган кезларимдаёқ физика фани бўйича турли танловларнинг туман, вилоят, республика босқичларида фахрли ўринларни топган. Аввалдан физика ва астрономия фанларидаги билимимни орттириш учун хорижда таҳсил олишни ният қилганман.

Афсуски, ўн биринчи синфда “Эл-юрт умиди” жамғармаси танловига қатнашиб ўтолмадим. Аммо оиламнинг қўллаб-қувватлаши, қароримга бўлган ишончи менга куч бериб, иккинчи марта “Эл-юрт умиди”га ҳужжат топширдим. Бу сафар ҳам омад мендан юз ўтирди.

Ота-онам, оила аъзоларим “Ўқиб олим бўлармидинг”, деган гапларни ҳеч қачон айтмаган, танловда ёки бирор конференцияда қатнашмоқчиманми, хорижда ўқимоқчиманми — барчасига рози бўлиб, қарорларимни қўллаб-қувватлаган. Ҳатто “Эл-юрт умиди” жамғармаси танловидан иккинчи марта ўтолмаганимда ҳам “Хорижий университетлардан юз фоизли грант ололсанг, ўқишингга розимиз”, дейишган.

Сўнг АҚШ, Буюк Британия, Германия, Янги Зеландия, Италия каби давлатлар топ университетларидан жами 770 минг доллар грант ютиб олдим. Улар орасида юз фоизли грант ҳам бор эди. Аммо виза олиш, чет давлатда яшашнинг ўзи ҳам яхшигина маблағ талаб қиларди. “Эл-юрт умиди” гранти эса бу харажатларни тўлиқ қоплаб беради, аммо мен уни қўлга кирита олмадим. Менда иккита йўл бор эди: бири — оиламни катта харажатга қўйиб хорижда таҳсил олиш, бири эса орзумдан воз кечиш. Шу тариқа пойтахтимиздаги Вебстер университетида ўқишни бошладим.

Аммо сира орзуларимдан воз кечишни хоҳламасдим. Ўйдагиларга айтимай, “Эл-юрт умиди” жамғармаси грант танловига яна ҳужжат топширдим ва ғолиб бўлдим. Бунинг эшитиб, оила аъзоларим жуда хурсанд бўлди. Ҳа, мен ҳам оиламни катта харажатга қўйишни истамадим, ҳам орзуларимдан воз кечмадим.

Айни пайтда АҚШнинг Колорадо давлат университети физика факультетида таҳсил оляпман. Бу ердаги ўқув жараёнилар менга жуда ёқди, айниқса, университет обсерваторияси астрономия бўйича билимларимни орттиришда жуда қўлга келяпти. Физика, астрономия йўналишидаги билимларимни мустаҳкамлаб, келгусида Ўзбекистондаги айтиш шу соҳа тараққиётига ҳисса қўишини ният қилганман. Ҳозирдан Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлигида қандай лойиҳаларни амалга ошира олишим, агентлик фаолиятини кучайтириш учун нималар қилиш зарурлиги ҳақида бош қотиряпман.

Келгусида турли мамлакатлардаги, хусусан, юртимиздаги Май-данак обсерваториясида амалиёт ўтаб, соҳада катта ўзгаришларни амалга оширишни ният қилиб қўйдим.

Лестер университетидида пиар менежмент йўналишида таҳсил оляпман. Бу йўналишни ташлашмига Ўзбекистонда пиар соҳаси янги йўналиш сифатида тараққий этиб бораётгани ҳамда мамлакатнинг халқаро имижини шакллантиришда муҳим йўналишлардан бири экани тўртки бўлди.

Лестер университети айни йўналишда катта тажрибига эга бўлган олий таълим муассасаларидан бири. Бу ерда ўқиган кўпчилик кадрлар “Гардиан”, CNN каби йирик нашрларда фаолият юритади.

Давлатимиз раҳбарининг ўзбек ёшлари билан мулоқотини энтиқиб кузатдим. Айниқса, “Ёрқин келажак” лойиҳасини эшитиб, жуда мамнун бўлдим. Ахир болалигимда бу лойиҳа бўлганида мен аллақачон хорижда ўқиш истагимни амалга оширардим.

Президентимизнинг мулоқотда айтган сўзларидан мотивация олиб, кейинги босқичларини ҳам топ университетларда ўқишга қарор қилдим.

Германияда орттирган билим ва тажрибам айни кунлардаги “яшил” транспорт тизимларини ривожлантириш бўйича етакчи мутахассис сифатидаги фаолиятимда қўл келмоқда. Шу кунларда “яшил” транспортни ривожлантириш билан бирга барча транспорт тармоқлари томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада оширишга ёрдам берувчи “Йгона Т” платформасини жорий этиш лойиҳасини ишлаб чиқдим.

Ушбу лойиҳа дунёнинг 10 дан ортиқ ривожланган мамлакатларидаги транспорт тизимлари чуқур таҳлил қилиниб, биздаги шакланган транспорт хизматлари ва уларнинг ишлаш механизмларига энг мос тушадиган ечимлар комплекс уйғунлаштирилган ҳолда ишлаб чиқилди. Транспорт йўналишида фаолият юритадиган ёшлар ўртасидаги “Инновацион ғоялар — 2024” қўрик-танловида “Йгона Т” платформам лойиҳаси тенгсиз деб топилди. Айни пайтда лойиҳани амалиётга татбиқ этиш борасида ишлаяпман.

Санжар ЭШМУРОДОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Муносабат



СОҒЛОМ МИЛЛАТ — ФИКР ВА ҒОЯЛАР ТАШАББУСКОРИ



Тўлқин ТЕШАБОВЕВ, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Парижда бўлиб ўтган XXXIII ёзи Олимпия ва Паралимпия ўйинларида мамлакатимиз спортчилари олдига қўйилган вазифани қойилмақом уддалади. Азму шижоат билан чинакам рекорд натижаларни қайд этди. Ўзбекистон тарихида илгари ҳеч қачон бўлмаган бундай ютуқлар барчамизга янги куч-ғайрат бахш этди.

Кувонарлиси, чемпионларга ҳавас қилиб, уларга ўқшаб учун спорт билан шуғулланишга киришган ёшларимиз сафи янада кенгаймоқда. Қўлга киритилаётган натижалар ўғил-қизларнинг, ота-оналарнинг спортга муносабатини ўзгартирмоқда. Улардаги шижоатни кўриб, ҳавас қилишингиз табиий.

Президентимиз раислигида шу йил 13 февраль куни олимпия ва паралимпия ҳаракати, иқтисослаштирилган ва оммавий спортни янги босқичга олиб чиқиш ҳамда аҳолининг жисмоний фаолиятини ошириш спортини оммалаштиришда муҳим. Спорт инфратузилмасини қуриш ва модернизация қилишга инвестициялар киритиш орқали аҳоли, айниқса, ёшларнинг спорт билан шуғулланишига кенг маънода имконият пайдо қилади. Бу эса ўз ўрнида спортга оммавий жалб қилиш ва миллат саломатлигини мустаҳкамлаш учун шароит яратади.

Президентимиз томонидан белгиланган вазифалар миллатнинг жисмоний ва маънавий саломатлигини яхшилашга кўп қиррали ёндашувни акс эттирарди. Мазкур топшириқлар барқарор, ривожланган ва инклюзив жамият яратишга қаратилган, ҳар бир инсон ўз салохиятини рўёбга чиқариши ва умумий фаровонликка ҳисса қўиши мумкин бўлган жамиятни шакллантириш омиллари.

Аҳолининг жисмоний фаолиятини ошириш умумий соғлиқ даражаси яхшиланишнинг демакдир. Мунтазам жисмоний машқлар қўллаб қасалликларни бартараф этиб, руҳий ҳолатни яхшилайди. Бу эса ҳаёт сифатини кўтариб, умр кўриш давомийлигини оширади.

Жисмоний ва маънавий жиҳатдан ривожланган авлодни тарбиялаш ҳамда ёш истеъдодларни аниқлаш жамиятнинг барқарор ривожланиши учун асос яратади. Ёшларни қўллаб-қувватлаш мураккаб вазифаларни ҳал қилишга тайёр бўлган келажақ етакчилари ва новаторларининг янги авлодини шакллантиради.

Аҳоли, айниқса, кун сайин вояга етиб келаётган барқамол авлод орасида спорт-соғломлаштириш ишларини йўлга қўйишда тегишли вазирлик, идоралар ҳамда маҳаллий ҳокимликларнинг ҳамкорлигини кучайтириш бугуннинг долзарб вазифаларидан. Биргаликда қилинган ишлар ёшларнинг спортга қизиқишини орттиришга замин яратади. Унутмаслик керак: жисмонан ва маънан соғлом миллат соғлом ғоя ва фикрлар ташаббускори ҳисобланади.

Шунингдек, олий таълим муассасаларида таҳсил олаётганлар орасида спортнинг турли йўналишларига қаратилган мавзуларда ишловлар танловларини ўтказиш, шу орқали юртимизда спорт-соғломлаштириш борасидаги ишлар ҳамда жисмоний маданиятни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшиб келаётган юртодларимиз фаолиятининг тарғиботида ҳам айланади.

Ҳозир Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ҳам чемпионлари тайёрлаб, талабалар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спортнинг турли йўналишлари бўйича мусобақалар ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ташаббуслар ёшларнинг жисмоний ҳолатини яхшилаш, ижтимоий бирлик ва тенгликни таъминлашга ёрдам беради.

ИСТАКЛАРИМ АМАЛГА ОШДИ

Жасур БОЗОРБОВЕВ, Буюк Британиянинг Лестер университети талабаси:



— Қорақалпоғистоннинг Тўртқўл туманидаги мактаб кутубхонасида Чарлз Диккенснинг “Оливер Твистнинг саргузаштлари” асарини мутлола қилаётган кичкина Жасурга сен келгусида Буюк Британияда таҳсил олсан, асарда айтилган жойларни ўз кўзинг билан кўрасан, деса ишонмаган бўлардим. Аммо вақти келиб, бу рўй берди.

Болалигимда китоб ўқишга, айниқса, сиёсий асарларни мутлола қилишга қизиқишим балоид эди. Айни шу йўналишда ўқиб, изланиб, пойтахтимиздаги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабаси бўлдим. Талабалик йилларим-

да хорижда таҳсил олиш истаги янада кучайди. Бунинг имконсиз эмаслигини англадим. Аммо ҳали-ҳануз унинг ўзига

яраша қийинчиликлари борлиги қатъий қарорга келишимга тўсқинлик қиларди. Сўнгга оила қуриб, юртимиздаги нуфузли ташкилотлардан бирида иш бошлагач, хорижда ўқиш ҳақида ўйламасликка ҳаракат қилдим.

Аммо бололик орзумнинг армонга айланишини сира истамасдим. Кўпгина ўзбек ёшларининг хорижда таҳсил олаётганини кўриб, чет элда ўқиш истаги қайта уйғонди. Бунинг учун нима қилиш кераклигини суриштира бошладим.

Кўпчилик “Эл-юрт умиди” жамғармаси грантларига ҳаракат қилиб кўришим кераклигини айтди. Сабаби ушбу жамғарма грант ўқишингиз тўловлари билан бирга хорижда яшашингизни ҳам тўлиқ молиялаштиради дейишди.

Ўтган йили жамғарма грантини қўлга киритиб, айни пайтда Буюк Британиянинг



ваффақиятли қилиш кўп меҳнат ва янгича ёндашувлар талаб этади.

Чет элда орттирган БИЛИМИМ АМАЛИЁТДА ҚЎЛ КЕЛМОҚДА

Фахриддин ХОЛМУРОДОВ, Транспорт вазирлигининг Жамоат транспортни бошқармаси етакчи мутахассиси:

— Тошкент темир йўл муҳандислари институтининг (ҳозирги Тошкент давлат транспорт университети) иқтисодиёт факультетини тамомлагач, яқинларим тавсияси билан “Эл-юрт умиди” жамғармаси грантига ҳужжат топширдим. Ўша пайтлар бундай танловларда ғолиб бўлишимга кўзим етмасди. Аммо қатнашиб, унинг шифоф ва адолатли саралаш тизимига эга эканига амин бўлдим. Ҳозир ҳам хорижда қандай ўқисам бўлади, дея маслаҳат сўраганларга жамғарма грантини тавсия этаман.

Жамғарма гранти асосида Германиянинг Берлин техника университетида таҳсил олдим. Ушбу давлатни танлашимга асосий сабаб Германия ўқитиш тизими кўпгина хорижий давлатларникидан бир қадам олдинда эканидир. Университетимизда назария билан амалиёт биргаликда ўқитиларди. Кўпгина амалиётчи мутахассислар билан учрашувлар ташкил қилинарди. Энг асосийси, сиз ўқиш билан бирга ўз йўналишингизда корхона-ташкilotларда ишлаш имкониятига ҳам эга бўлар эдингиз.

Университетда бир лойиҳани муваффақиятли йўлга қўйиш билан бирга унинг омадсизликка учраши сабабини таҳлил қилиш ҳам ўргатиларди. Чунки самарали лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш қўлай, аммо омадсизликка учраганларини му-

